

Ташқи иқтисодий битимлар


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК
УНИВЕРСИТЕТИ

“ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ (ХУСУСИЙ)
ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

МУНДАРИЖА

1. Ташқи иқтисодий битимлар тушунчаси.
2. Ташқи иқтисодий битимларнинг коллизия масалалар.
3. Шартнома шакли.
4. Битимлар мазмунига доир масалалар бўйича ҳуқуқнинг қўлланиши.
5. Ташқи савдо олди-сотдисига доир универсал халқаро конвенциялар. Савдо атамалари. Маҳсулот етказиб беришнинг умумий шартлари

Халқаро битимлар



**чет эл элементи билан мураккаблашган
битимлар ҳисобланади.**

Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солиш

```
graph TD; A[Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солиш] --> B[Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг биринчи ўзига хос жиҳати турли ҳуқуқий тизимларга кирувчи ҳуқуқий нормалар, яъни халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг яқин ўзаро алоқаси ҳисобланади.]; A --> C[Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг иккинчи ўзига хос жиҳати миллий ҳуқуқ турли тармоқлари нормаларининг ўзаро алоқаси ҳисобланади.]; A --> D[Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг учинчи ўзига хос жиҳати нодавлат бошқаруви шаклларининг кенг тарқалганлигидир.];
```

Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг **биринчи** ўзига хос жиҳати турли ҳуқуқий тизимларга кирувчи ҳуқуқий нормалар, яъни халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг яқин ўзаро алоқаси ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг **иккинчи** ўзига хос жиҳати миллий ҳуқуқ турли тармоқлари нормаларининг ўзаро алоқаси ҳисобланади.


Ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг **учинчи** ўзига хос жиҳати нодавлат бошқаруви шаклларининг кенг тарқалганлигидир.

Ташқи иқтисодий битимларнинг хусусиятлари:



- турли давлатга мансуб шахслар битим тарафлари ҳисобланади;
- битимнинг мақсади – товарлар, ишлар ва хизматларни давлат чегарасидан ташқарига чиқариш;
- ташқи иқтисодий битимлардан келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш манбалари халқаро шартномалар, ички норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро одатлар ҳисобланади;
- битимга қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ хоҳиш-ирода эркинлиги принципига мувофиқ, шунингдек коллизия нормалар асосида аниқланади;
- ташқи иқтисодий битим ёзма шаклда тузилади;
- чет эл валютаси тўлов воситаси бўлиши мумкин;
- божхона қоидаларига риоя этиш талаб қилинади;
- ташқи иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишувига биноан халқаро тижорат арбитражида қўрилиши мумкин.

Халқаро ва ташқи иқтисодий битимлар турли асосларга кўра таснифланиши мумкин. Чунончи:



иштирокчилар сонига кўра қуйидаги халқаро битимлар фарқланади:

бир тарафлама

кўп тарафлама

икки тарафлама



предметига кўра қуйидаги шартномалар фарқланади:



- мол-мулкни мулк қилиб топшириш тўғрисидаги шартномалар;
- мол-мулкни фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги шартномалар (эгаллик қилиш ва фойдаланиш);
- ишларни бажариш тўғрисидаги шартномалар;
- хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар;
- интеллектуал фаолият объектларига бўлган ҳуқуқларни топшириш тўғрисидаги шартномалар;
- оддий шерикчилик шартномалари;
- бошқа шартномалар.

Ташқи иқтисодий битимларнинг коллизион масалалари



Фойдаланиладиган ҳуқуқни аниқлаш учун қуйидагилар қўлланилади:

- хоҳиш-ирода эркинлиги принципи;
- шартнома тарафларидан бирининг таъсис этилган жойи, яшаш жойи, асосий фаолият жойи қонуни;
- фаолият амалга оширилган мамлакат қонуни, қўшма корхона таъсис этилган мамлакат қонуни ва ҳ.к.

Тарафлар хоҳиш-иродаси эркинлиги тарафлар учун шартнома мазмуни, унинг шартларини ўз ихтиёрига кўра, табиийки, ҳуқуқ билан белгиланган доирада белгилаш имконияти сифатида тушунилади. Бу имконият, агар шартнома хорижий элемент билан мураккаблашган бўлса, ҳуқуқни танлашга ҳам татбиқ этилади. Натижада хоҳиш-ирода эркинлиги ташқи иқтисодий мажбуриятларда устун мавқега эга бўлган бириктириш формуласи (коллизион принцип) сифатида амал қилади.

Шартнома шакли



Ташқи иқтисодий шартномалар корхоналар ва фуқаролар томонидан ёзма шаклда тузилиши лозим. Шартнома тузишнинг ёзма шаклига риоя этмаслик ташқи иқтисодий битимнинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Бу ташқи иқтисодий битим тузилганлигини тасдиқлаш учун ёзма далиллар (ёзишмалар, ҳисоб-китоб варағини тақдим этиш ва ҳ.к.) тақдим этилиши мумкин эмаслигини англатади.

Ташқи иқтисодий битимларнинг коллизия масалалари

Мажбурият статуту

Lex causae, яъни
муносабат
муносабати
тартибга солувчи
мамлакат қонуни

*Хоҳиш-ирода
эркинлиги (lex
voluntatis)*

*Энг яқин алоқа
қонуни — Proper
Law ва бошқа
коллизия
қоидалар*

Мажбурият статуту



бу бир тарафлама битимлар ва шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларга қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ.

Шартномаларга қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ шартнома билан боғлиқ қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- 1) шартномани шарҳлаш;
- 2) шартнома тарафларининг ҳуқуқлари ва бурчлари;
- 3) шартномани бажариш;
- 4) шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатлари;
- 5) шартномани бекор қилиш;
- 6) шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари.

Хоҳиш-ирода эркинлиги (lex voluntatis)

Шартнома мажбуриятларида устун мавқега эга бўлган бириктириш формуласи (коллизиян принцип) сифатида амал қилади.

“Хоҳиш-ирода эркинлиги” бириктириш коллизиян формуласи — lex voluntatis сифатида кўпгина давлатлар қонунчилигида ўз ривожини топган (Австрия, Венгрия, Венесуэла, Германия, Польша, Туркия, Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунлари, Хитойнинг 1999 йилги Шартномалар тўғрисидаги қонуни, Вьетнамнинг 1995 йилги Фуқаролик кодекси ва бошқалар) Масалан, Венесуэланинг 1998 йилги Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 29-моддасига, Швейцариянинг 1987 йилги Хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунига мувофиқ, шартнома тарафлар танлаган ҳуқуққа бўйсунди. Бу тарафлар исталган мамлакат ҳуқуқини танлашлари мумкинлигини, конкрет шартнома мажбурияти айна шу ҳуқуқ билан тартибга солинишини англатади. Бироқ хоҳиш-ирода эркинлиги коллизиян принципи бирон-бир давлатнинг ички ҳуқуқида мустаҳкамланмаган бўлса ҳам у амалда халқаро-ҳуқуқий одат тарзида вужудга келган ҳуқуқ нормаси сифатида қўлланилади.

Автономия воли (lex voluntatis)

“Хоҳиш-ирода эркинлиги” шартнома мажбуриятларини тартибга солишга ваколатли бўлган ҳуқуқни танлаш усули сифатида мазкур масалага доир халқаро шартномаларнинг барчасида мустаҳкамланган. Уларнинг орасида қуйидагилар ҳам бор: 1928 йилги Бустаманте кодекси, Товарлар халқаро олди-сотдисида қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида 1955 йилги Гаага конвенцияси, Агентлик битимларига қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида 1978 йилги Гаага конвенцияси, Шартнома мажбуриятларига қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида 1980 йилги Рим конвенцияси, Товарлар халқаро олди-сотди шартномаларига қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида 1986 йилги Гаага конвенцияси, Халқаро контрактларга қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида 1994 йилги Америкалараро конвенция ва бошқалар.

**шартнома мажбуриятлари
мазмунини билан
белгиланади**

**Хоҳиш-ирода эркинлигига доир
асосий чеклашлар**



Мазкур чеклаш мажбурият статутининг мазмунини билан, яъни тарафлар танлаган ҳуқуқ қайси масалаларга татбиқ этилиши билан боғлиқ.



Тарафлар танлаган ҳуқуқ шартнома мажбуриятига тўлиқ татбиқ этилиши лозимми ёки тарафлар танланган ҳуқуққа ўз ихтиёрига қараб шартнома мажбурияти масалаларидан бирини ёки уларнинг гуруҳини бўйсундиришга ҳақлими, деган саволга жавоб топиш билан боғлиқ. Бундан қўшимча савол туғилади: шартнома мажбурияти фақат битта давлатнинг ҳуқуқига бўйсунishi лозимми ёки шартнома мажбуриятининг турли элементлари тарафлар келишувига биноан турли давлатлар ҳуқуқига бўйсундирилиши мумкинми.



Хорижий давлат ҳуқуқини танлаш пайтида юзага келади. Мазкур чеклаш халқаро хусусий ҳуқуқнинг умум эътироф этилган институти — оммавий тартиб тўғрисидаги изохот билан боғлиқ. Тарафлар танлаган ҳуқуқ, агар унинг қўлланиши Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тартиботи (оммавий тартибот) билан мувофиқ келмайдиган оқибатларга олиб келса, қўлланиши мумкин эмас. Шартнома мажбуриятлари соҳасида тарафлар келишуви билан танланган хорижий ҳуқуқни қўллашни оммавий тартиб ва императив нормалар институти тўғрисидаги изохот ёрдамида чеклаш хорижий ҳуқуқ қўлланишига доир умумий чеклашнинг бир кўриниши ҳисобланади. Бунда ҳуқуқ тарафлар келишуви билан ёки бошқа коллизион нормалар ёрдамида танлангани ва гап халқаро хусусиятга эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қайси соҳаси ҳақида бораётгани аҳамиятга эга эмас.

Энг яқин алоқа қонуни — Proper Law ва бошқа коллизион қоидалар

Энг яқин алоқа қонунини субсидиар боғловчи сифатида назарда тутиш орқали (қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида тарафлар келишуви бўлмаган ҳолда) қонун чиқарувчи ўзи энг яқин алоқани белгилайди деб ҳисоблаган аниқ боғловчиларни таърифлайди. Масалан, Швейцария қонунида белгиланган қоидага мувофиқ, тарафлар ҳуқуқни танламаган бўлса, шартнома у яқинроқ боғланган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди (117-модданинг 1-банди). Ушбу модданинг иккинчи қисмида қонун чиқарувчи қуйидаги изохни беради: “Ўзига хос хизматларни амалга оширувчи тарафлардан бири ўз қароргоҳига эга бўлган мамлакат билан яқин алоқа мавжуд деб тахмин қилинади...” ва қуйида бу тарафларни айрим шартномалар бўйича конкретлаштиради: сотиш шартномаси бўйича — сотувчи хизматлари, сақлаш шартномаси бўйича — сақлаш хизматлари ва ҳ.к. Бошқача айтганда, энг яқин алоқа презумпцияси сифатида сотувчининг мамлакати қонуни мажбурияти мазкур шартномага хос бўлган тарафнинг қонуни амал қилади. Амалда энг яқин алоқа қонунига ҳавола Швейцария қонунида кўрсатилмаган шартнома муҳокама қилинганида қўлланилади. Бинобарин, Швейцария ҳуқуқи тарафлар ҳуқуқни танламаган ҳолда расман энг яқин алоқа қонунига биринчи даражали тус беради, амалда эса у Швейцария ҳуқуқида бўшлиқ мавжуд бўлган ҳолда фақат ёрдамчи роль ўйнаши мумкин.

Энг яқин алоқа қонуни — Proper Law ва бошқа коллизион қоидалар

Энг яқин алоқа қонуни Германия ҳуқуқида айниқса улкан аҳамият касб этади. Германия Фуқаролик тузугига Кириш қонунининг 28-моддаси Швейцария қонунининг кўриб чиқилган моддасига ўхшаш: агар тарафлар ҳуқуқни танлаган бўлмаса, шартнома айниқса яқин бўлган ҳуқуқ қўлланилади; шундан сўнг бундай алоқа презумпциялари санаб ўтилади, уларнинг орасида сотувчи мамлакатининг қонуни устунлик қилади. Бироқ, Швейцария қонунидан фарқли ўлароқ, мазкур қонун 28-моддасининг 5-бандида назарда тутилган қўшимча қоидага мувофиқ, агар ҳолатлар мажмуидан шартнома бошқа бирон-бир давлат билан яқин алоқага эга эканлиги англашилса, кўрсатилган презумпциялар амал қилмайди.

Ушбу қоида тарафлар ҳуқуқни танлаган бўлмаса, энг аввало шартнома айниқса яқин бўлган ҳуқуқни топиш зарурлигини ва амалда бундай алоқа мавжуд бўлмаган тақдирдагина қонун чиқарувчи презумпциялар сифатида белгилаган аниқ боғловчилардан фойдаланиш мумкинлигини англатади.

Энг яқин алоқа қонуни айни шу контекстда Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида амал қилувчи 1986 йилги Гаага конвенциясида ва Шартнома мажбуриятларига қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқ тўғрисида 1980 йилги Рим конвенциясида ҳам назарда тутилган.

**Ҳуқуқи қўлланиши лозим бўлган конкрет давлат
билан энг яқин алоқанинг бошқа презумпциялари:**




1) қурилиш пудрати шартномасига ҳамда лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасига нисбатан — тегишли шартномада назарда тутилган натижалар асосан қайси мамлакатда яратилса, шу мамлакат ҳуқуқи (презумпция сифатида мажбуриятлар бажариладиган жой қонуни — “lex loci solutionis”дан фойдаланилади);

2) оддий шерикчилик шартномасига нисбатан — бундай шерикчилик фаолияти асосан қайси мамлакатда амалга оширилса, шу мамлакат ҳуқуқи (асосий хўжалик фаолияти жойи қонуни);


3) аукционда, танловга кўра ёки биржада тузилган шартномага нисбатан — аукцион, танлов ўтказиладиган ёки биржа жойлашган мамлакат ҳуқуқи (битим тузилган жой қонуни — lex loci actus).

Битимлар мазмуни масалалари бўйича ҳуқуқнинг қўлланиши



Ташқи савдо битимида қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш йўли билан битимнинг мажбурият статутини ўрнатади. Мажбурият статутини асосида битим тарафларининг ҳуқуқлари ва бурчлари, уни бажармаслик (ўз вақтида бажармаслик, лозим даражада бажармаслик) оқибатлари белгиланади. Мажбурият статутини жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар ҳам белгиланади. Даъво муддати масалалари ҳам мажбурият статутига мувофиқ ҳал қилинади, чунки даъво муддатига тегишли ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш учун қўлланиши лозим бўлган қонун қўлланилади.

Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари
тўғрисида 1980 йилги Вена конвенцияси:



Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида БМТ конвенцияси 1980 йил Венада дипломатик конференцияда қабул қилинган ва 1990 йил 1 январдан кучга кирган.

Вена конвенциясининг иккинчи қисмида олди-сотди шартномасини тузиш тартиби назарда тутилган.

Учинчи қисм беш бобдан иборат. Унда янги тушунча - “шартномани жиддий бузиш” киритилган ва унга таъриф берилган, сотиб олувчи ва сотувчининг ҳуқуқлари ва бурчлари белгиланган.

Вена конвенциясининг якунловчи – тўртинчи қисмида Конвенцияга қўшилиш, унинг давлат ҳудудида амал қилиш тартиби тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинган.

Товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисидаги конвенция.

Даъво муддати масалалари бўйича 1974 йилда Товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисидаги конвенция тузилган. Конвенция ЮНСИТРАЛ томонидан ишлаб чиқилган. У товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муҳим масалалардан бирини тартибга солади. Унда халқаро олди-сотди шартномаларининг барчаси учун ягона бўлган даъво муддати белгиланган. Бу муддат тўрт йилга тенг. Турли мамлакатлар қонунчилигига кўра даъво муддати олти ойдан ўттиз йилгача бўлган ораликда, шу боис тўрт йиллик муддат уларнинг кўпчилиги учун мақбулдир. Конвенцияда тўрт йиллик даъво муддати шартноманинг бузилишидан келиб чиқувчи талабга биноан шартнома бузилган санадан, товар нуқсонидан ёки унинг шартнома шартларига мувофиқ келмайдиган бошқа камчилигидан келиб чиқувчи талабга биноан эса – товар сотиб олувчига амалда топширилган ёки у товарни қабул қилишдан бош тортган санадан бошланиши назарда тутилган.

Конвенцияда даъво муддатининг узилиши ёки узайтирилиши, уни ўзгартириш ҳамда ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги қоидалар ҳам белгиланган, шунингдек даъво муддатига умумий чеклаш (10 йил) жорий этилган ва унинг ўтиши оқибатлари назарда тутилган. Конвенцияга мувофиқ даъво муддатининг ўтиши низони кўриб чиқишда фақат процессда иштирок этаётган тараф аризасига биноан эътиборга олинади. Бундай ариза бўлган тақдирда, агар низони кўриб чиқиш даъво муддати ўтганидан кейин бошланган бўлса, талаб қилиш ҳуқуқи тан олинади ва мажбурий амалга оширилиши мумкин эмас.

1980 йилги Конвенциянинг 90-моддасида ва Товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисидаги конвенциянинг 37-моддасида (охирги конвенцияни ўзгартириш тўғрисидаги протоколда назарда тутилган таърифда) ушбу конвенциялар тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган, мазкур конвенцияларнинг тартибга солиш предмети ҳисобланадиган масалаларга доир қоидаларни ўз ичига олган ҳар қандай халқаро битимларнинг амал қилишига дахл этмаслиги айтиб қўйилган.



Халқаро хўжалик муомаласида қўлланиладиган шартномаларнинг махсус турлари

Пудрат шартномаси



Ушбу шартнома бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида қурилиш пудрати шартномаси айниқса кенг қўлланилади.

Халқаро факторинг шартномаси



Конвенцияга мувофиқ— *бу икки тараф* (олди-сотди шартномаси бўйича етказиб берувчи ва факторинг операцияларини амалга оширувчи фирма ёки цессионарий) ўртасида тузилган шартнома бўлиб, унга мувофиқ етказиб берувчи ўзи ва ўз буюртмачилари (дебиторлар) ўртасида тузиладиган етказиб бериш шартномаларидан келиб чиқувчи мажбурият талаблардан цессионарий фойдасига воз кечиши мумкин ёки лозим.

Бунда цессионарий қуйидаги мажбуриятлардан камида иккитасини ўз зиммасига олиши лозим:

- а) етказиб берувчини молиялаштириш (қарз бериш ёки тўловни муддатидан олдин амалга ошириш);
- б) воз кечиш предмети ҳисобланган пул талаблари бўйича ҳисоб-китоб варақларини юритиш;
- в) дебиторлик қарзларини тўловга тақдим этиш;
- г) дебиторларнинг тўловга қобилиятсизлигидан ҳимоя қилиш.

Халқаро савдо одатлари. Lex mercatoria



Амалиётда шаклланган, бироқ мажбурий юридик кучга эга бўлмаган ягона барқарор қоидалар. Формал юридик терминологияга кўра мазкур таъриф одатларга эмас, балки урф-одатларга киради, чунки одат деганда юридик фанида амалиётда шаклланган, бироқ мажбурий юридик кучга эга бўлган ягона барқарор қоида тушунилади.



Бу икки тушунча ўртасидаги фарқ уларнинг юридик табиатида намоён бўлади: одат — бу юридик норма, урф-одат эса — ноюридик норма. Шу боис уларни қўлланиш механизми ҳам ҳар хил. Одат ва урф-одат хусусиятлари ҳамда улардан бирининг иккинчисига “ўтиш” имкониятлари халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари тўғрисидаги бўлимда атрофлича кўриб чиқилган. Бироқ жаҳон савдо амалиётида “халқаро савдо одатлари” атамасидан амалиётда шаклланган, юридик норма ҳисобланмайдиган барқарор қоидаларни ифодалаш учун фойдаланилади. Қўлланилаётган ҳуқуқ юридик жиҳатдан мажбурий эканлигига урғу бериш талаб этилган ҳолда “ҳуқуқий одат” тўғрисида сўз юритилади.

“Халқаро савдо одатлари” — умумий атама. У халқаро савдода қўлланиладиган ноюридик қоидаларнинг барчасини қамраб олади. Бироқ уларнинг муҳимлик даражаси тенг эмас. Муҳимлик ва қўлланиш даражасига қараб бундай қоидаларнинг уч гуруҳи фарқланади.



Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради: умумий хусусиятга эга бўлган энг муҳим қоидалар; ҳар қандай турдаги ташқи иқтисодий битимларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қоидалар. Умуман олганда, айти шундай қоидаларни одат деб атайдилар.

Иккинчи гуруҳ — халқаро амалий ҳамкорликнинг айрим соҳаларида, муайян туркумга мансуб товарларни айирбошлашда қўлланиладиган қоидалар. Уларни кўпинча урф-одатлар деб атайдилар. Масалан, ғалла, қаҳва ва бошқа хил маҳсулотлар савдосида ёки саноат объектлари қурилишида қўлланиладиган одат қоидалари тўпламлари мавжуд. Ўз навбатида, одатлар ҳам, урф-одатлар ҳам универсал бўлиши, яъни дунёнинг исталган жойида қўлланилиши; минтақавий бўлиши — конкрет минтақада қўлланилиши (масалан, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар мавжуд бўлган даврда ушбу мамлакатлардаги шериклар билан муносабатларда қўлланиладиган одат қоидалари тўпламлари вужудга келган эди); локал бўлиши (масалан, бир денгиз порти одатлари) мумкин.

Учинчи гуруҳ — ўрнатилган тартиб. Бу халқаро тадбиркорликнинг муайян соҳасида конкрет шериклар ўртасидаги муносабатларда одат тусини олган қоидалар. Кўриб чиқилган тасниф шартли хусусиятга эга: халқаро савдонинг одат қоидалари осонгина бир-бирига ўтади.

Халқаро тижорат шартномалари принциплари (УНИДРУА принциплари).

Принциплар жаҳон ҳуқуқий тизимларининг деярли барчасидан вакиллар иштирокидаги УНИДРУА ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ва 1994 йилда эълон қилинган. Қисқа вақт ичида бу ҳужжат халқаро савдо иштирокчилари ўртасида кенг эътироф этилди ва халқаро савдо ҳуқуқи мутахассисларининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Принциплар халқаро савдо иштирокчиларига уларнинг шартнома амалиётида фойдаланиш учун мўлжалланган. Улар халқаро шартнома ҳисобланмайди, шу туфайли ҳам давлатларга мўлжалланмаган ва уларнинг маъқуллашини назарда тутмайди, юридик кучга эга эмас ва ташқи иқтисодий битимларнинг тарафлари учун мажбурий ҳисобланмайди. Муқаддимада Принциплар тарафлар ўз шартномаси мазкур Принциплар билан тартибга солиниши ҳақида келишган бўлсалар қўлланилиши лозимлиги қайд этилган. Принципларга тўғридан-тўғри ҳавола қилиш билан бир қаторда, улар тарафлар шартномада уларнинг муносабатлари “ҳуқуқнинг умумий принциплари” ёки “lex mercatoria” ёки бошқа шунга ўхшаш қоидалар (масалан, халқаро савдо одатлари) билан тартибга солиниши ҳақида келишиб олган бўлсалар ҳам қўлланилади.

Принциплар
қўлланишининг бир неча жиҳатларини қайд этиш
мумкин:



- 1) тарафлар ушбу Принципларга ҳавола қилган бўлсалар, ташқи иқтисодий битим бўйича уларнинг муносабатларини тартибга солиш учун қўлланилади;
- 2) қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш мумкин бўлмаганда ёки танланган ҳуқуқда саволнинг изланаётган жавоби бўлмаганда умумий амалиёт далили сифатида қўлланилади;
- х) халқаро савдо соҳасидаги халқаро бирхиллаштирилган ҳужжатларнинг қоидаларини шарҳлаш ва тўлдириш учун қўлланилади;
- 4) миллий ҳуқуқни ривожлантириш жараёнида ёки халқаро бирхиллаштириш жараёнида фойдаланилади.

Lex mercatoria.

Ғарбда нашр этилган адабиётларда кенг муҳокама қилинаётган доктринага биноан халқаро савдо тижорат контрактлари *трансмиллий тижорат ҳуқуқи* ёки замонавий *lex mercatoria* деб номланган алоҳида норматив тизим билан тартибга солинади.

Lex mercatoria ёки law merchant (савдо ҳуқуқи) халқаро савдо амалиётида янги тушунча эмас. У Ўрта асрларда савдогарлар ҳуқуқи сифатида маълум бўлган ва амалиётда шаклланган, давлат билан боғлиқ бўлмаган, кенг қўлланиладиган универсал қоидалар тўпламини ўзида ифодалаган. Давлатчиликнинг мустаҳкамланиши ва миллий ҳуқуқнинг ривожланишига қараб бу қоидалар катта фарқлар билан бўлса ҳам миллий ҳуқуқ тизимлари томонидан ўзлаштирилган. 1807 йил Францияда Савдо кодексининг қабул қилиниши, 1861 йил Германияда Савдо тузугининг қабул қилиниши билан мазкур жараён якунланган.

Lex mercatoria тўғрисидаги масала ўз аҳамиятини йўқотган бўлса-да, халқаро савдо одатлари сақланиб қолган ва ривожланишда давом этган. XX асрнинг иккинчи ярмида у ҳақда яна гапира бошладилар.

**САВДО
АТАМАЛАРИНИ
ШАРҲЛАШ ХАЛҚАРО
ҚОИДАЛАРИ –
"ИНКОТЕРМС 2000"**

ИНКОТЕРМС –

- ташқи савдо соҳасида айниқса кенг қўлланиладиган савдо атамаларини шарҳлаш халқаро қоидалари. Халқаро олди-сотди шартномасининг халқаро миқёсда олдиндан белгиланган стандарт шартларини ўзида ифодалайди.



ИНКОТЕРМС МАҚСАДИ:

- ташқи савдо соҳасида айниқса кенг қўлланиладиган савдо атамаларини шарҳлаш халқаро қоидалари тўпламини таъминлаш. Шунинг қайд этиш лозимки, “Инкотермс”нинг амал қилиш доираси сотилган товарларни етказиб беришга доир олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғлиқ масалалар билан чекланган.



ИНКОТЕРМС 2000 ҚОИДАЛАРИ:

- **Е туркуми – жўнатиш.**
- **Ф туркуми – асосий ташиш ҳақи тўланмаган.**
- **С туркуми – асосий ташиш ҳақи тўланган.**
- **D туркуми – етиб келиш.**



I. E ТУРКУМИ – ЖЎНАТИШ.

- "Франко завод" атамаси сотувчи товарни сотиб олувчи ихтиёрига ўз корхонасида ёки айтилган бошқа жойда (масалан, заводда, фабрикада, омборда ва ш.к.) топширса, товар етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажарган деб ҳисобланишини англатади. Сотувчи товарни транспорт воситасига ортиш учун, шунингдек экспортга товарни божхонада тозалаш учун жавоб бермайди.



F ТУРКУМИ – АСОСИЙ ТАШИШ ҲАҚИ ТЎЛАНМАГАН.

- FCA – Франко ташувчи.
- FAS - Кема борти ёқалаб эркин.
- FOB – Бортда эркин.



ҒСА – ФРАНКО ТАШУВЧИ

- "Франко ташувчи" атамаси сотувчи божхонада тозалашдан ўтган товарни сотиб олувчи кўрсатган ташувчига айтилган жойга элтиб беришини англатади. Шунинг қайд этиш лозимки, товарни етказиб бериш жойини танлаш товарни ортиш ва мазкур жойда тушириш мажбуриятларига таъсир кўрсатади. Агар товарни етказиб бериш сотувчининг биносида амалга оширилса, сотувчи товарни жўнатиш учун жавобгар бўлади. Агар товарни етказиб бериш бошқа жойга амалга оширилса, сотувчи товарни жўнатиш учун жавобгар бўлмайди.



FAS – КЕМА БОРТИ ЁҚАЛАБ ЭРКИН

- “Кема борти ёқалаб эркин” атамаси сотувчи товарни етказиб беришни бажарганини, бунда товар причалда кема борти ёқалаб ёки кўрсатилган жўнатиш портида лихтерларда жойлаштирилганини англатади. Бу энди барча харажатлар ва товарнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи сотиб олувчининг бўйнида бўлишидан дарак беради. FAS атамаси шартларига кўра сотувчига экспорт учун товарни божхонада тозалаш мажбурияти юкланади.



FOB – БОРТДА ЭРКИН.

- "Франко борт" атамаси сотувчи товарни етказиб беришни бажарганини, бунда товар айтилган жўнатиш портида кема бортига жойланганини англатади. Бу энди барча харажатлар ва товарнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи сотиб олувчининг бўйнида бўлишидан дарак беради. FOB атамаси шартларига кўра сотувчига экспорт учун товарни божхонада тозалаш мажбурияти юкланади.



С ТУРКУМИ – АСОСИЙ ТАШИШ ҲАҚИ ТЎЛАНГАН:

- CFR – Қиймат ва фрахт.
- CIF – Қиймат, суғурта ва фрахт.
- CPT – Ташиш ҳақи олдиндан тўланган.
- CIP – Ташиш ҳақи ва суғурта бадали олдиндан тўланган.



CFR – ҚИЙМАТ ВА ФРАХТ.

- ▶ “Қиймат ва фрахт” атамаси сотувчи товарни етказиб беришни бажаргани, бунда товар жўнатиш портида кема бортига жойланганини англатади.
- ▶ Сотувчи товарни айтилган манзил портга етказиб бериш учун зарур харажатлар ва фрахт ҳақини тўлаши шарт. БИРОҚ, товарнинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи, шунингдек товар жўнатиладиганидан кейин чиқадиган ҳар қандай қўшимча харажатлар сотувчидан сотиб олувчининг бўйнига ўтади.
- ▶ CFR атамаси шартларига кўра сотувчига экспорт учун товарни божхонада тозалаш мажбурияти юкланади.



CIF – ҚИЙМАТ, СУҒУРТА ВА ФРАХТ.

- “Қиймат, суғурта ва фрахт” атамаси сотувчи товарни етказиб беришни бажаргани, бунда товар жўнатиш портида кема бортига жойланганини англатади. Сотувчи товарни манзил портга етказиб бериш учун зарур харажатлар ва фрахт ҳақини тўлаши шарт. БИРОҚ товарнинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи, шунингдек товар жўнатишганидан кейин чиқадиган ҳар қандай қўшимча харажатлар сотувчидан сотиб олувчининг бўйнига ўтади.



СРТ – ТАШИШ ҲАҚИ ОЛДИНДАН ТЎЛАНГАН.

- "Фрахт/ташиш ҳақи олдиндан тўланган" атамаси сотувчи товарни айтилган ташувчига элтиб беришини англатади. Бундан ташқари, сотувчи товарни айтилган манзилга ташиш билан боғлиқ харажатларни тўлаши шарт. Бу сотиб олувчи товарнинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфини, шунингдек товар ташувчига топширилганидан кейинги барча харажатларни ўз бўйнига олишини англатади.



СІР – ТАШИШ ҲАҚИ ВА СУҒУРТА БАДАЛИ ОЛДИНДАН ТЎЛАНГАН.

- ▶ "Фрахт/ташиш ҳақи ва суғурта бадали олдиндан тўланган" атамаси сотувчи товарни айтилган ташувчига элтиб беришини англатади. Бундан ташқари, сотувчи товарни айтилган манзилга ташиш билан боғлиқ харажатларни тўлаши шарт. Бу сотиб оловчи барча хавфларни ва ҳар қандай қўшимча харажатларни товар шу усулда етказиб берилишидан олдин ўз бўйнига олишини англатади. Бироқ, СІР шартларига кўра, сотувчига товарни ташиш пайтида унинг йўқолиш ва шикастланиш хавфидан суғурталашни сотиб оловчи фойдасига таъминлаш мажбурияти ҳам юкланади.



D ТУРКУМИ – ЕТИБ КЕЛИШ.

- **DAF – чегарагача етказиб бериш.**
- **DES – кемагача етказиб бериш.**
- **DEQ – причалдан етказиб бериш.**
- **DDU – бож тўламасдан етказиб бериш.**
- **DDP – бож тўлаган ҳолда етказиб бериш.**



DAF – ЧЕГАРАГАЧА ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

- “Чегарагача етказиб бериш” атамаси сотувчи товарни етказиб беришни бажарганини, бунда у экспорт учун божхонада тозалашдан ўтган, бироқ импорт учун бундай тозалашдан ўтмаган, транспорт воситасидан туширилмаган товарни айтилган жойда ёки чегарадаги жойда товар кўшни мамлакатнинг божхона чегарасига етмасидан сотиб олувчининг ихтиёрига топширганини англатади.



DES – КЕМАДАН ЕТКАЗИБ БЕРИШ

- “Кемадан етказиб бериш” атамаси сотувчи товарни етказиб беришни бажарганини, бунда у импорт учун божхонада тозалашдан ўтмаган товарни сотиб олувчи ихтиёрига айтилган манзил портда кема бортида топширганини англатади. Сотувчи товарни айтилган манзил портга элтиб бериш бўйича барча харажатлар ва хавфларни товар кемадан тушириб олингунга қадар ўз бўйнига олиши лозим.



DEQ – ПРИЧАЛДАН ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

- ▶ "Причалдан етказиб бериш" атамаси сотувчи товарни етказиб бериш мажбуриятини бажарганини, бунда у импорт учун божхонада тозалашдан ўтмаган товарни сотиб олувчи ихтиёрига айтилган манзил портда причалда топширганини англатади. Сотувчи товарни причалга элиб бериш ва тушириш бўйича барча харажатлар ва хавфларни ўз бўйнига олиши шарт. DEQ атамаси импорт учун товарни божхонада тозалаш мажбуриятини, шунингдек импорт солиғи, божи ва бошқа йиғимларни тўлашни сотиб олувчига юклайди.



DDU – БОЖ ТЎЛАМАСДАН ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

- “Бож тўламасдан етказиб бериш” атамаси сотувчи божхонада тозалашдан ўтмаган ва етиб келган транспорт воситасидан туширилмаган товарни айтилган манзилда сотиб оловчи ихтиёрига топширишини англатади. Сотувчи товарни шу жойгача ташиб келтириш билан боғлиқ барча харажатлар ва хавфларни ўз бўйнига олиши шарт, манзил мамлакатда импорт учун олинадиган ҳар қандай йиғимлар бундан мустасно.



КАЗУС

Германия фуқароси Д. хўжалик судига даъво аризаси киритиб, ЎзР фуқароси Б. билан тузилган шартномасини бекор бўлганлигини ва улар ўртасида тузилган қўшма корхона фаолияти тугатилганлиги туфайли ўзаро келишувга мувофиқ, ишлаб чиқариш дастгоҳларини ЎзР ҳудудидан олиб чиқиб кетиш кераклигини, лекин давлат божхона органлари томонидан бунга рухсат берилмаётганлигини кўрсатиб, давлат божхона органларини жавобгар сифатида судга жалб қилишни сўраган.

Судда аниқланишича, Германияда ҳам худди шундай ҳолат ЎзР фуқароларига нисбатан Германия Ҳукуматининг қарорига мувофиқ қўлланилаётганлиги сабабли, ЎзР Ҳукумати томонидан ҳам АҚШ фуқароларига нисбатан шундай чеклов жорий этилганлиги сабабли, давлат божхона органлари Германия фуқароси Д.га дастгоҳларни олиб чиқиб кетишга рухсат бермаган.

Савол: Ушбу ҳолатда суд қандай қарор қабул қилиши керак? Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни кўрсатинг ва уни муҳофама қилинг?

Ўзбекистон Республикаси ташиқоти белорус компанияси билан олди-сотди шартномаси тузади. Шартнома бўйича келишувлар ва уни имзолаш Тошкент шаҳрида бўлади, бироқ шартноманинг матнида шартнома тузилган жой сифатида Минск шаҳри кўрсатилган.

Савол: Шартнома бўйича томонларнинг ўзаро муносабатлари қайси мамлакатнинг қонуни бўйича тартибга солинади? Агарда шартнома тузиш жойи Киев шаҳри деб белгиланган бўлса бу ҳолатда қайси мамлакат қонуни билан тартибга солинади?

DDP – БОЖ ТЎЛАГАН ҲОЛДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

- “Бож тўлаган ҳолда етказиб бериш” атамаси сотувчи божхонада тозалашдан ўтган ва етиб келган транспорт воситасидан туширилмаган товарни айтилган манзилда сотиб оловчи ихтиёрига топширишини англатади. Сотувчи товарни ташиш билан боғлиқ барча харажатлар ва хавфларни, шу жумладан манзил мамлакатдаги импорт учун ҳар қандай йиғимларни ўз бўйнига олиши шарт.



Адабиётлар рўйхати:

1. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. /Ҳ.Р.Раҳмонкулов ва бошқ. /Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Окюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. – Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
2. О.Т.Хазраткулов. Халқаро хусусий ҳуқуқ: ўқув услубий комплекс. Т., 2010.
3. О.Т.Хазраткулов. Халқаро молиявий лизинг: ўқув қўлланма. Т., 2010.
4. Богуславский М.М. Международное частное право. М., 2010.
5. Л.П. Ануфриева. Международное частное право. М., 2000.
6. Л. А. Лунц. Курс международного частного права. М., 2002.
7. Г.К.Дмитриева. Международное частное право. М., 2002.
8. Международное частное право: Учебник для вузов/ Под редакцией доктора юридических наук Н.И. Марышевой. — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ», «ИНФРА-М», 2000.